

# Етказиб бериш шартномаси № 03

« 12 » январ 2022 йил

Асака туман

Найман Чорва Барака ДХ корхонаси кейинги ўринларда «Таъминотчи» деб юритилади номидан уз Низомига мувофик иш юритувчи корхона рахбари К.Мирзакаримов, бир томондан ва « Вилоят фтизиатирия ва пульманалогия маркази» (кейинги уринларда Ташкилот еки муассаса деб юритилади) номидан уз низоми асосида иш олиб боровчи рахбар Ф.Насритдинов, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидаги мазмунда туздилар.

## 1. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1 «Таъминотчи» мазкур шартномада келишилган озик- овкат махсулотларини келишилган муддатларда «Ташкилот» га етказиб бериш, «Ташкилот» эса махсулотларни кабул килиб олишни ва пулини тулаш мажбуриятини олади.

«Таъминотчи» озик овкат махсулотларни куйидаги микор ва нархларда етказиб беради:

№	Махсулот номи	Ўлчов бирлиги	Микдор	Нархи	Суммаси
1	Мол гушти	Кг	1400	65000	91 000 000
2					
	Жами				91 000 000

## 2. ТАЪМИНОТ ШАРТЛАРИ

2.1 «Таъминотчи» таъминотни факатгина «Ташкилот » буюртмасини олгандан сунг амалга оширади, Махсулотни буюртма олгандан сунг 3 кун ичида белгиланган хажмда амалга оширади.

2.2 «Таъминотчи» махсулотни «Ташкилот» нинг куйидаги манзилига автомобил транспорти оркали етказиб беради. Етказиб бериш манзили : Асака туман, Янги Хаёт Янги Сор

2.3 Махсулотлар «Ташкилот» нинг омборига етказиб берилгандан ва белгиланган тартибда кабул килиб олингандан сунг, махсулотга эгалик хукуки ва жавобгарлик мажбурияти «Ташкилот» га утади.

## 3. ТАРАФЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1 «Ташкилот» махсулот етказиб берилиши белгиланган вақтга қадар 3 кун муддат ичида «Таъминотчи » га махсулот учун буюртмани куйидагиларни курсатган холда такдим этади:

- Етказиб берилиши керак булган махсулотлар микдори;
- Махсулот сифати;
- Махсулот ассортименти;

3.1 Етказиб берилиши керак булган махсулотнинг ассортименти микдори ҳамда таъминот муддатларини «Ташкилот» мустакил равишда, ушбу шартноманинг тузилиши учун асос булган танлов (тендер) савдоси ташкил этган комиссия баённомасида курсатилган ёки комиссия томонидан куйилган шартлардан келиб чиккан холда белгилайди.

3.2 «Таъминотчи» томонидан махсулотлар етказиб берилмай колганда, етказиб берилмаган микдордаги махсулотни 1 кун муддат ичида ёки «Ташкилот» билан келишилган холда, шартнома амал килиш муддатида, кейинги етказиб берилиши кузда тугилган махсулотларга кушиб етказиб бериш мажбуриятини олади.

3.3 «Таъминотчи» томонидан етказиб бериш муддатлари утказиб юборилган махсулотларни «Ташкилот» огохлантирилган холда кабул килмаслик хукукига эга.

3.4 «Таъминотчи» томонидан етказиб берилган махсулотлар сифати талабга жавоб бермаслик холатларида «Ташкилот» куйидаги талабларни куйиш хукукига эга.

- Харид нархларини (етказиб берилган сифатсиз махсулотлар киймати билан сифатли махсулотлар киймати уртасидаги фарк) га камайтириш;
- Сифатсиз махсулотларни, «Таъминотчи» хисобидан сифатли махсулотларга 1 кун муддатда алмаштириб беради;
- Сифатсиз махсулотларни «Ташкилот» томонидан уз маблаглари эвазига, яроклисини ажратишга уни тозалашга ва махсулотни ярокли холга келтириш учун бошка харажатларни тулаш;